# «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»: РАҚОБАТ ОРҚАЛИ ТАРАҚҚИЁТГА

***«Қуйидагилар компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг замонавий тизимларини жорий этишнинг биринчи галдаги энг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:***

***— ахборот-коммуникация тармоқлари ва хизматлари конвергенциясини назарда тутган ҳолда мамлакатнинг барча ҳудудида ахборот-коммуникация технологияларининг техникавий инфратузилмасини, шу жумладан, кўчма алоқа, IP технологиялари, бошқа замонавий телекоммуникация ва маълумот узатиш воситаларини жадал ривожлантириш;***

***— 2002 йилнинг 1 октябрига қадар:***

***2003-2010 йилларда телекоммуникация ва маълумот узатиш миллий тармоғини ривожлантириш дастурини… ишлаб чиқиш».***

(Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонидан).

***Бизнинг суҳбатдошимиз — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бош директори Ҳ.А.Муҳитдинов мазкур компаниядаги ишларнинг ҳозирги аҳволи, муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари, халқ хўжалигининг бу жуда муҳим ва ҳаммага зарур бўлган тармоғини Президентнинг юқорида тилга олинган Фармони талаблари асосида янада ривожлантириш борасида белгиланаётган режалар ҳақида ҳикоя қилади.***

**Бундан ўн йил муқаддам Ўзбекистонда — мустақил шароитда бор-йўғи бир неча ой яшаётган мамлакатда собиқ советлар ҳудудида илк маротаба алоқа соҳаси икки қисмга, яъни почта ва телекоммуникация йўналишлари бўйича ажратилиб, бу борада жуда муҳим қадам қўйилди. Ўша 1992 йилда, шунингдек, «Алоқа тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Электр алоқа корхоналари негизида мустақил бирлашма — «Ўзбектелеком» концерни тузилди. Кейинги йилларда мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қайта қуришлар жараёнида мазкур бирлашманинг номланиши ва тузилиши ўзгарди, асосий ҳисобланмаган ишлаб чиқариш-техника тузилмалари ажралиб кетди, компания ташкилий тузилишининг самаралироқ шаклларини, фаолият юритишда яхшироқ натижаларга эришиш йўлларини топиш учун изланишлар давом эттирилди. Аммо бир нарса ўзгаришсиз қолаверди: у ҳам бўлса, мамлакатда телекоммуникацияларнинг техник воситалари, тармоқлари ва тизимлари тараққиёт йўлидан дадил одимлашини, алоқа хизмати истеъмолчиларининг тинмай ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжлари тўлиқ қондирилишини, ривожланиш, модернизация, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиши талабларига тезроқ мослашувни, жаҳон андозаларига мувофиқлашувни таъминлашдан иборат эди.**

**Бугунги кунда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Ўзбекистон телекоммуникациялари соҳасидаги оператор-корхоналарнинг жуда йириги бўлиб, у тез ривожланиб бораётган бозор шароитида энг катта ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодирдир.**




— Аввало, шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, — деди Ҳаким Асророрвич, — бугунги кунда Ўзбекистон телекоммуникацияси ягона жаҳон ахборот тармоқларининг муҳим таркибий қисмини ташкил этган ҳолда халқаро ҳамжамиятда қабул қилинган ягона меъёрлар ва андозаларга мувофиқ фаолият юритмоқда.

Ҳаммага маълумки, кишилик жамиятининг жадал ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг барқ уриб ўсиши ва айирбошлаш, ишлаб чиқариш муносабатларининг глобаллашуви истеъмол қилиш, маданий, илмий-амалий мақсадларда ахборот ўтказишнинг аҳамиятини кучайтириб юбормоқда ва бу ҳолат алоқанинг барча турлари тараққий этишига кучли туртки бўлмоқда. Жаҳоннинг индустриал қиёфадан ахборот қиёфасига ўтиши тобора яққол сезилмоқда.

Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган тараққийпарвар сиёсат туфайли телекоммуникацияларнинг тармоқларини жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш учун аниқ амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўртага қўйилган мақсадларга эришиш учун меъёрий-ҳуқуқий база яратилмоқда. Мамлакатимизда «Алоқа тўғрисида», «Радиочастотали спектр тўғрисида», «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, ҳукуматнинг бир қатор муҳим қарорлари қабул қилиниб, амалга киритилгани шундан далолат беради.

Телекоммуникацияларнинг маҳаллий тармоғи бугунги кунда икки мингтадан ортиқ АТС ва монтажланган сиғимли 1,8 миллионта номерга эга. Барча асосий объектлар телефонлаштирилган. Тармоқда жами 1 миллион 593 мингтадан зиёд телефон аппарати мавжуд бўлиб, уларга қўшимча 2001 йилда, 88,7 мингта телефон ўрнатилди, шундан 87 фоизи аҳолига тегишлидир.

Телекоммуникация тармоқларида таъмирлаш ўтказилганлиги, автоматлаштириш ишлари амалга оширилганлиги туфайли ҳозирги пайтда шаҳарлардаги 99,4 фоиз ва қишлоқ жойлардаги 76 фоиз абонентлар АМТСга тўғридан-тўғри уланиш имкониятига эга бўлдилар. Шаҳарлараро тармоқлар каналларининг 60 фоизидан кўпроғи ва халқаро каналларнинг 90 фоизи рақамлидир. Айни чоғда маълумотларни узатиш тармоқлари ривожланмоқда (Интернет ҳам шунга киради).

Ҳаракатланувчи алоқа, радиал-минтақавий ва шахсий радио чиқариш тармоқлари тез тараққий этмоқда. Иккита ер усти станциясида сунъий йўлдош орқали алоқа каналлари ишга туширилди, Интелсат ва Горизонт тизимларидан фойдаланилмоқда.

**— Нима, тармоқда муаммолар йўқми?**

— Муаммолар бор. Бўлганда ҳам, оз эмас. Улар ривожланиш давомида келиб чиққан ва вақт ўтиши билан тўпланиб қолган. Масалан, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари молиявий аҳволимизга жиддий равишда салбий таъсир кўрсатаяпти, юқори сифатли хизмат кўрсатиш имконини бермаяпти, жумладан, алоқа линиялари бузилиши, кабеллар, симларни ўғирлаб кетиш ҳоллари рўй бермоқда. Устига устак, кичик ва ўрта тадбиркорлик яхши ривожланаётгани йўқ, хизмат кўрсатишнинг қўшимча турларини жорий этиш суст бормоқда. Симсиз алоқа ўрнатилиши лозим бўлган аҳоли пунктлари олис жойларда ҳали ҳам бор.

Шундай экан, телекоммуникацияларнинг техник воситалари, гарчи улар замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш негизида фаол ривожланиш босқичида турган бўлса-да, жаҳон андозалари даражасига мувофиқ келиши учун янгилаш, модернизациялар соҳасида қўшимча чора-тадбирлар кўришни талаб этмоқда. Ва бунинг учун аниқ, конструктив чоралар кўрилаяпти ҳам.

Бугун шуни қайд этиш мумкинки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда телекоммуникациялар соҳаси кучли даражада ривож топган ҳамда у мамлакат иқтисодиётининг тараққий этишида, аҳолига хизмат кўрсатишда аҳамияти тобора ўсиб бораётганини намоён қилмоқда. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳияти фаол равишда кучайиб бормоқда, энг янги техника ва технологиялар жорий этилаяпти, тармоқни ривожлантириш ва модернизациялаш соҳасида жуда катта ишлар ва тадбирлар амалга оширилмоқда. Бошқарув тузилишини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган чоралар кўрилмоқда.

Маълумки, Президентимизнинг 1997 йил июль ойидаги Фармонига мувофиқ, мамлакатимизда Алоқа вазирлиги тугатилиб, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги ташкил этилган эди.

***Бироқ ўтган даврда ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини ёппасига жорий этиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жуда катта янги вазифалар пайдо бўлди. Ана шу вазифаларни ҳал этиш мақсадида Президентнинг 2002 йил 30 майдаги Фармонига биноан, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига айлантирилди. Бу янги тузилма зиммасига эса ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш, маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон-телеграф алоқасини яратиш, фаолият юритишини таъминлаш ва хизмат кўрсатиш, маълумотларни, жумладан, Интернетни узатиш, почта алоқаси, радио ва телевидениенинг стратегик устувор йўналишларини амалга ошириш, мана шу соҳаларда рақобат муҳитини вужудга келтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ахборот ресурслари бозорини ривожлантириш, бошқарув, бизнес, соғлиқни сақлаш, фан, таълим ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ахборот айирбошлашнинг электрон шаклларини ҳаётга татбиқ этишдан иборат янги мажбуриятларнинг жуда катта мажмуаси юкланди.***

Маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро электр алоқаси хизматлари бозори талабаларини амалий жиҳатдан қондириш, маълумотларни телекоммуникацияларнинг янги тармоқларини қуриш, мавжуд тармоқларни кенгайтириш ва таъмирлаш йўли билан узатиш вазифалари бевосита бизнинг компаниямизга тааллуқлидир. Айни чоғда биз воситалар ва тармоқларни модернизациялаш ҳамда техникавий қайта қуроллантириш, хориж сармояларини жалб қилиш, жаҳон ютуқларини жорий этиш дастурларини амалга ошириш, республикамиз ахборот тизимларининг жаҳон телекоммуникация ва ахборот тармоқларига интеграциялашувини таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз.

Бугунги кунга қадар мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг дастлабки босқичлари ортда қолди — беш-етти йил бурун фаолиятнинг иккиламчи турлари билан шуғулланувчи собиқ давлат алоқа корхоналари — таъминот, транспорт, қурилиш, лойиҳалаш ва саноат тармоқлари мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилди. Улар негизида акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган корхоналар ташкил этилди. Кейинги босқичда эса асосий фаолият бўйича акциядорлик жамиятлари ва компаниялари вужудга келди.

Ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида телекоммуникациялар тармоғида маҳаллий ҳамда шаҳарлараро ва халқаро тармоқлар бўйича иккита акциядорлик компанияси тузилди. Ҳар икки компания ҳам ўз олдида турган вазифаларни бажаришга фаоллик билан киришиб, ривожлантириш ва модернизациялашнинг йирик лойиҳаларини амалга оширмоқда.

Бироқ халқаро тажриба ва экспертларнинг хулосаларига таяниб, 2000 йилда Ўзбекистонда мана шу иккита акциядорлик компаниясини бирлаштириш ҳамда улар негизида «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясини ташкил этишга қарор қилинди. Компаниянинг акциялар пакетида давлат мулки 30 фоиз бўлиб, 70 фоизи эркин сотувга чиқарилган, жумладан, 51 фоиздан кам бўлмаган акция чет эллик сармоядорларга сотиш учун мўлжалланган.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси таркибида 15 та корхона — Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги маҳаллий, шаҳарлараро электр алоқаси акциядорлик компаниялари, жумладан, 5 та қўшма корхона мавжуд. Улар орасида «Ўзбектелеком Интернейшнл» акциядорлик жамияти ҳам бор. Мазкур жамият 4 та вилоят шўъба корхонасига эга. Компаниянинг (холдинг тузилишига эга бўлган) Низом жамғармаси минтақавий операторлар акцияларининг 80 фоизи ҳисобига ташкил топган.

Ахборот тизимлари соҳасида бошқарувни қайта қуриш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари, ҳеч шубҳасиз, замонавий бўлгани боис, улар ижобий натижалар берди. Хусусан, бозор муносабатларига ўтиш шароитида алоқа хизматлари кўрсатиш бозорини ривожлантиришда яхши самараларга эришилди. Бироқ булар билан чекланиб қолингани йўқ. 2001 йил охири ва 2002 йил бошида янги муҳим ўзгаришлар рўй берди — компания таркибига кирган акциядорлик жамиятлари филиалларга айлантирилди. Бутун мамлакат учун ягона бўлган оператор — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг тузилиши ана шу тариқа шаклланди.

Телекоммуникациялар соҳасида янги жиддий ҳолатлар вужудга келди: мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кўлами кенгайиб бораяпти, чет эллик шериклардан инвестициялар, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, телекоммуникациялар соҳасида нодавлат мулкчилигини ривожланитириш ҳақида таклифлар тушмоқда.

***— Ҳаким Асророрвич, Ўзбекистоннинг телекоммуникациялар соҳасидаги ислоҳотлар, тузилиш таркиби ва бошқарувни қайта қуриш ўртача ҳар 2-3 йилда рўй бермоқда. Ҳар битта босқичда янги-янги вазифалар ҳал этилмоқда.***

***Республика телекоммуникациялари аҳволини қандай тавсифлаш мумкин, бу соҳада кейинги йилларда нималарга эришилди?***

***Мана, Президентнинг янги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июнда қабул қилинган қарори, дадил айтиш мумкинки, нафақат алоқа тармоғида, балки бутун иқтисодиётда, жамият ҳаётида ислоҳотлар ўтказишнинг янги босқичини бошлаб берди. Ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар тармоқларини ривожлантиришнинг 2002-2010 йилларга мўлжалланган дастури ва асосий йўналишлари тасдиқланди. Шундай эмасми?***

— Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникацияси — бу умумий фойдаланишдаги ҳамда барча учун мўлжалланган транспорт асоси —



умумий фойдаланиладиган ва маълумотлар узатиладиган телефон шохобчасига эга бўлган тармоқларнинг ривожланиб бораётган мажмуасидир. Шаҳарлараро, халқаро, ички минтақавий ва маҳаллий тармоқлар умумий фойдаланиладиган телефон тармоғининг асосини ташкил этади. Ҳозир Ўзбекистон жаҳоннинг 180 та мамлакатига чиқиш мумкин бўлган 28 йўналиш бўйича тўғридан-тўғри халқаро каналларга эга. Бинобарин, бунда оптик толали ва сунъий йўлдош тизимларидан фойдаланилмоқда.

«Ўзбектелеком»нинг ўтказиш қобилияти етарли даражададир.

Эслатиб ўтамиз: муаммоларни бирйўла ҳал этиш мақсадида 1995 йилда ҳукумат томонидан Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялари тармоғини модернизациялаш ва ривожлантиришнинг 2010 йилга қадар даврга мўлжалланган миллий дастури ишлаб чиқилиб, қабул қилинган эди. Мазкур дастурни бажариш натижасида бутунлай янгиланган, жаҳон талабларига жавоб берадиган телекоммуникация воситаларига эга бўлиш кўзда тутилган. Жумладан, ҳар 100 аҳоли ҳисобига телефонлар зичлиги икки баробар ортади. Телефон станцияларининг қуввати уч баробар кучаяди. Мўлжалланган телефон алоқасини техникавий қайта қуроллантириш барча фойдаланувчиларнинг алоқа хизматларига бўлган асосий эҳтиёжларини қондириш имконини беради. Ҳозир мазкур дастурнинг биринчи босқичи талаблари, гарчи унинг ҳамма кўрсаткичлари бўйича яхши натижаларга эришиган деб бўлмаса-да, умуман, дуруст бажарилганини қайд этиш лозим.

**— Шу босқичдаги иш якунларини Сиз қай тарзда талқин қилган бўлардингиз?**

— Энг асосий вазифа ҳал этилди — Ўзбекистон Республикасининг, рақамли асосий тармоғи вужудга келтирилди, рақамли каналлар мамлакатнинг барча минтақаларига етказилди. Қурилган рақамли асосий тармоқнинг қувватидан бугунги кунда 71 фоиз фойдаланилмоқда. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси тармоқларида умумий узунлиги 3300 километрдан кўпроқ магистрал оптик толали ва рақамли-радиорелели алоқа линиялари мавжуд бўлиб, хусусан, рақамли каналлар 51 та туман марказига етказилган. Маҳаллий АТСлар сиғимининг 33 фоизидан зиёди ҳам рақамлидир. Бир қатор вилоятларда бу кўрсаткич икки баробар юқори. 750 минг номерга мўлжалланган рақамли АТСлар, 50 мингта коммутация нуқтасига эга бўлган халқаро автомат телефон станциялари қурилиб, фойдаланишга топширилди, станциялараро ва асосий линияларда 4 минг километрдан ортиқ ВОЛС барпо этилди.

Белгиланган дастурни амалга ошириш ва хориж инвестиицияларини жалб қилиш мақсадида бешта халқаро танлов (тендер) ўтказилди. Уларда турли мамлакатларнинг 50 дан зиёд фирма ва компаниялари қатнашди. Муҳими, мазкур тадбир амалий ҳамкорлик учун хорижий шерикларни, уларнинг инвестицияларини жалб этиш, бир қатор муҳим лойиҳаларни рўёбга чиқариш имконини берди. Пировардида 1991-2001 йиллар мобайнида Ўзбекистон телекоммуникацияларини ривожланитиришга чет эллик шерикларнинг кредит ва тўғридан-тўғри молиялаштириш шаклидаги инвестициялари 580 миллион АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этди, шундан 316,3 миллион доллари эса ўзлаштирилди.

Германия, Япония, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатларнинг банклари, фондлари, компаниялари йирик инвесторлар сифатида иш кўрмоқдалар. Ички ресурслар — давлат бюджети, жалб қилинган маблағлар, банкларнинг кредитлари, алоқа корхоналарининг ўзларига тегишли пуллари ҳам кенг равишда сафарбар этилаяпти. 1991 йилдан буён 37,7 миллиард сўмдан кўпроқ ана шундай маблағлар ўзлаштирилди. 2001 йилда бу соҳадаги кўрсаткич 4,3 миллиард сўмни ташкил этди. Унинг 25 фоизидан ортиғи алоқа корхоналарининг ўз маблағлари, 71 фоизи хорижий инвестициялар ва кредитлардир.

**— Телекоммуникация соҳасида мана шундай ўзгаришлар амалга оширилган мамлакатларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масаласининг ҳал этилиши муҳим омиллардан бири бўлган эди. Бизда-чи?**

— Бизнинг республикамизда ҳам телекоммуникация корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариб, мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказиш соҳасидаги чора-тадбирлар ислоҳотларнинг суръатларини жадаллаштириш ҳамда лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарти бўлди. Ҳозирги пайтда тармоқда чет эллик шериклар билан биргаликда ташкил этилган 11 та қўшма корхона ишлаб турибди. Улардаги хизматлар ҳажми алоқа тармоғи бўйича барча даромадларнинг 35,7 фоизига тўғри келади. Акциядорлик жамиятлари (компаниянинг ҳамма корхоналари мана шу босқичдан ўтган) улуши кўрсатилаётган барча хизматлар ҳажмининг 53,4 фоизини ташкил этмоқда.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси акцияларининг деярли 3,1 фоизи меҳнат жамоаси ўртасида жойлаштирилган, 2,7 фоизи маҳаллий инвесторларга ажратилган, 64,2 фоизи эркин сотувга, жумладан, камида 51 фоизи хорижий инвесторларга мўлжалланган.

Давлат мулки қўмитаси иштирокида халқаро маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тайёрланганди. Ҳозирги пайтда мазкур дастурни бажариш йўлида концепция ва бу вазифани ҳал этиш учун амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Ана шу амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида телекоммуникация корхоналари бўйича фақат маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро рақамли тармоқлар яратиш учун инвестициялар ва кредитлар кўринишида 300 миллион АҚШ долларидан кўпроқ маблағ келиб тушди ва ўзлаштирилди.

Янги шароитда қурилган замонавий объектлар катта самара бераётганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, 1998 йилда қурилиб, фойдаланишга топширилган ва Ўзбекистонни Хитойнинг Шанхайидан тортиб Германиянинг Франк-Фуртигача — дунёнинг жуда кўп мамлакатлари билан минглаб тезкор рақамли каналларга эга бўлган замонавий оптик толали кабель орқали боғлайдиган ТАЕ-ВОЛС сўзлашув сонини 40 баробар кўпайтириш имконини берди. Ушбу халқаро асосий линияда ҳозир мингдан ортиқ канал ишлаб турибди.

Халқаро хизматлар кўрсатиш ва маълумотлар узатишнинг эътироф этилган оператори сифатида «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси минтақадаги, шунингдек, олис хориждаги кўплаб компаниялар билан ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистонда навбатдаги вазифаларни ҳал этиш мақсадида тармоқ иқтисодиётида ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар, инвесторлар учун рақобат муҳити ва тенг шароит яратиш, хизматлар кўрсатиш ҳажмини ошириб, турини кенгайтириш, сифатини яхшилаш устувор йўналишлар сифатида белгилаб олинди. Бунда ахборот технологияларини ривожлантиришга жиддий эътибор берилади.

**— Жумладан, Интернет ҳам ривожлантириладими?**

— Ҳа, биринчи навбатда Интернетга эътибор қаратилади. Унинг халқаро каналлари маълумот ўтказиш қуввати 12 Мбит/сек.дан ортиқдир.

Интернет тармоғига тобора кўплаб олий ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар, умумтаълим мактаблари, почта ва телекоммуникация корхоналари уланмоқда. Маълумотларни узатишнинг идоравий шохобчалари ҳам ривожланмоқда. Ва уларнинг барчаси бизнинг телекоммуникация тармоқларимиз билан ўзаро боғлиқ ҳолда иш олиб бормоқда.

***Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг 2002-2010 йиллар даврига мўлжалланган дастури янги телекоммуникация объектлари қурилишини кўзда тутади. 2005 йилга бориб юз фоиз рақамлаштирилган шаҳарлараро каналлар сонини анча кўпайтириш мўлжалланган, минтақавий даражадаги каналлар сони 50 мингтага етади ва рақамлаштириш 72 фоизни ташкил этади, ахборотларни айирбошлашни автоматлаштириш 98 фоизга кўтарилади. Жорий йилнинг охиридаёқ маълумотларни узатувчи камида 235 та янги боғлам барпо этилади. Дастурнинг амалга оширилиши натижасида республиканинг барча аҳоли пунктлари Интернетга уланади.***

Фаолиятимизнинг энг муҳим йўналишларидан яна бири — бу янги технологиялар ва хизмат турларини жорий этишдир. Уларга қуйидагилар киради: IP телефония, маълумотларни узатишнинг янги тизимлари, уяли алоқа, симсиз кира олиш стандартлари ва технологиялари, VSAT, бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш, рақамли АТСларда қўшимча хизматлар ҳажмини кенгайтириш, сунъий йўлдош орқали алоқа ва бошқалар.

Муҳими, Ўзбекистоннинг телекоммуникациялар тармоғи бир қатор янги лойиҳаларни рўёбга чиқаришда хорижий инвесторлар иштироки учун очиқдир.

**— Чет эллик шериклар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мўлжаллаяптими?**

— Албатта. Биз маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасини янада ривожлантириш ва модернизациялаш соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш учун янги йирик лойиҳаларни таклиф этмоқдамиз. Ва мана шу вазифа бўйича халқаро тендер ҳам ўтказилди. Қолаверса, ҳозирги пайтда «Ўзбектелеком» компаниясини хорижий инвесторлар иштирокида хусусийлаштиришга тайёргарлик кўрилмоқда. Ахборот меморандуми чиқариш ва кейинчалик шартнома тузилиши кутилмоқда. Бундан мақсад халқаро менежментни жалб этиш, акциялар пакетини сотишдан маблағга эга бўлиш, бутун республика бўйлаб алоқа тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишдир.

Бу борада кейинги йилларда кўплаб давлатлар ва хорижий компаниялар билан ҳамкорликда катта ишлар қилинди. Масалан, 1992 йилда япониялик шериклар билан биргаликда Тошкентда замонавий ускуналарга эга бўлган халқаро алоқанинг сунъий йўлдош орқали ишлайдиган станцияси қурилди. Ўша пайтда туркиялик тадбиркорлар иштирокида сунъий йўлдош орқали алоқа боғлайдиган яна битта станция ишга туширилди. Янги станциялар мамлакатимизга алоқанинг тўғридан-тўғри, мустақил каналларидан халқаро тармоққа бемалол чиқишини таъминлади.

Етти йил муқаддам Жанубий Кореянинг «ДЭУ Телеком» компанияси иштирокида биринчи маротаба Фарғона вилоятида рақамли АТС фойдаланишга топширилди. Эндиликда эса бундай станциялар «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси тармоқларида қарийб 710 минг номерни ёки барча сиғимларнинг 33 фоизини ташкил этади. Уларни қуришда бизнинг чет эллик шерикларимиз ҳам қатнашдилар. «ДЭУ Телеком» улар орасида алоҳида ўрин тутади. Мана шу компания билан шерикликда қисқа муддат ичида Хоразм, Фарғона, Андижон, Тошкент, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида ҳам телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялаш соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Мазкур вилоятларда 290 мингта номерли рақамли АТСлар ишга туширилиб, алоқанинг ўнлаб километрлик оптик толали линиялари ётқизилди.

Германиянинг «Алкатель», «Сименс» компаниялари иштирокида Тошкент, Самарқанд, Наманган, Қаршида рақамли АТСлар қурилди, «Сименс» билан биргаликда ТАЕ-ВОЛС миллий участкаси қурилиши амалга оширилди, «Алкатель» билан эса «Чирком» қўшма корхонаси барпо этилди. «Эрикссон», NEC, «Моторола» сингари машҳур фирмалар ҳам бизнинг телекоммуникациялар бозоримизда фаол ишламоқдалар.

Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар ўртасида молиявий ва амалий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимлар тузилганлиги, республикамизда телекоммуникацияларни ривожлантиришга кредитлар жалб этиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар туфайли хорижий фирмалар билан ўзаро алоқада ишлаш имконияти пайдо бўлди.

Бугунги кунда Япония, Германия, Италия, Буюк Британия, Хитой, Корея Республикаси, Малайзия, Индонезия ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг компаниялари билан амалий алоқалар тобора ривожланиб бораяпти.

Япониянинг OECF фонди томонидан ажратилган 12,7 миллирад йен миқдоридаги кредит ўзлаштирилгани бунга яққол мисол бўла олади. Бу лойиҳа 1998-99 йиллар мобайнида амалда бажарилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Наманган вилоятларидаги 88 та рақамли АТСларда сиғими 252 мингтадан иборат қувватлар ишга туширилди, шундан 100 мингга яқини ривожланиш базасини ташкил этади. Яъни улар абонентларга янги телефонлар ўрнатишга мўлжалланган. Нукус, Урганч, Бухоро, Навоийда 24 минг портли халқаро рақамли автомат телефон станциялари фойдаланишга топширилди, алоқанинг 2 минг километрлик оптик толали линиялари қурилди.

Ҳозирги пайтда JBIC фонди кредитининг иккинчи навбатини ўзлаштириш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. У бутун Ўзбекистон ҳудудида техникавий қайта қуришларнинг кенг дастурини кўзда тутади.

Кореянинг EDCF фонди кредити бўйича Андижон ва Фарғона вилоятларида телекоммуникацияларни ривожлантиришга қаратилган яна битта лойиҳа амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда телекоммуникациялар хизмати бозорида мулкчилик шакли ва идоравий мансублиги турлича бўлган ҳар хил корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг иши лицензиялар асосига қурилган. Ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистонда телекоммуникациялар соҳасида фаолият юритиш ҳуқуқи учун 365 та лицензия берилган. Техника воситаларини сертификациялаш амалга оширилмоқда, телекоммуникация хизматларини сертификациялашга ўтиш вазифаси ўртага қўйилмоқда.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистонда компьютер ва ахборот технологияларининг имкониятларидан самарали фойдаланишнинг аниқ йўналиши белгилаб олинган. Бу масала юзасидан қонунлар, ҳукумат қарорлари қабул қилинган. Илғор компьютер ва ахборот технологияларини жорий этиш миқёсларини кенгайтириш ҳамда муддатларини қисқартириш, Интерент тармоғидан иқтисодий, илмий ва маданий мақсадларда фойдаланиш имкониятларини бирмунча кучайтириш бўйича аниқ вазифалар қўйилмоқда. Бунинг учун давлат телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш, уларнинг қувватини ошириш ва сифатини яхшилаш юзасидан бир қатор масалаларни ҳал этмоқда.

Ягона тармоқда фаолият юритаётган иккита компаниянинг битта, яъни «Ўзбектелеком»га бирлаштирилиши масаласига келсак, бунда қуйидаги ҳолатлар назарда тутилган эди. Аввалги икки компания, гарчи улар самарали ишлашга ҳаракат қилган бўлса-да, ўз олдига қўйилган мақсадга эриша олмади. Хусусан, хориж инвестициялари кутилган ҳажмларда кириб келмади, тармоқларнинг ривожланиш суръатлари етарли даражада бўлмади. Ваҳоланки, телекоммуникациялар бозоридаги вазият жуда тез ўзгариб бормоқда эди. Шу боис халқаро маслаҳатчилар бизнинг ҳар икки компаниямизни битта компанияга айлантириш ҳақида таклиф киритишди. Бундан кўзланган мақсад рентабеллик даражаси кам ва инвестицион жозибадорлиги паст бўлиб қолаётган ҳам шаҳарлараро ва халқаро, ҳам маҳаллий алоқани, гарчи у телекоммуникациялар соҳасида муҳим роль ўйнаётган бўлиб, шаҳарлараро-халқаро алоқа учун базавий манба ҳисобланса-да, муваффақиятли ривожлантиришдан иборат эди. Шу тариқа битта тузилма — «Ўзбектелеком» вужудга келди. Ягона техник ва иқтисодий сиёсат юргизиш мақсадида, шунингдек, халқаро консалтинг марказининг тавсияси асосида акциядорлик жамиятлари филиалларга айлантирилди. Бундай моделга Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё Ривожланиш банки, Халқаро молия корпорацияси ва бошқа ташкилотлар қизиқиш билдирдилар.

Ягона операторнинг пайдо бўлиши кўпгина имкониятлардан самарали фойдаланишни кафолатлайди: компаниянинг қийматини бир неча ўн миллион АҚШ долларига оширади, кўзда тутилаётган инвестициялар даражасини кўтаради. Бунда бошқа мамлакатларнинг тажрибаси ҳам ҳисобга олинган. Биз ривожлантириш ва модернизациялаш, хизматлар сифатини ошириш, илгари олинган кредитлар бўйича қарзларни қайтариш соҳасидаги кенг кўламли тадбирларни ўтказиш учун хорижий инвесторлар кўз ўнгида компаниямиз акцияларининг жозибадорлигини кучайтиришнинг аниқ имкониятларини кўриб турибмиз. Яна шу нарса ҳам муҳимки, республиканинг барча минтақаларида шаҳарлараро-халқаро ва маҳаллий алоқани мутаносиб равишда ривожлантиришга умид қилмоқдамиз.

Бошқа ижобий жиҳатлар ҳам талайгина. Хусусан, мамлакат қонунчилигига мувофиқ, имтиёзларга эга бўлиш мумкин. Компанияда инвестиция сиёсатининг самарадорлигини ошириш учун моддий-техник ва молиявий ресурсларни бир ерга жамлашга эришиш ниятимиз бор.

Баъзида монополия ҳақида фикрлар эшитилиб қолади. Республикада муқобил равишда телекоммуникацияларнинг бошқа тармоқлари ҳам ишлаб турган экан, қанақа «монополия» бўлиши мумкин? Масалан, уяли алоқа олтита компания томонидан амалга оширилмоқда, уларнинг аксарияти турли стандартлардаги иккитадан тармоққа эга. Уяли алоқа компанияларининг тармоқларида 140 мингтадан зиёд абонент бор, уларнинг сони тинмай ўсиб бормоқда. Икки-учта уяли алоқа компанияси вилоятларга дадил кириб бораяпти, бутун республика бўйлаб телекоммуникация бозорини ўзлаштираяпти. Улар ўз хизматларига тарифларни ўзлари бемалол белгиламоқдалар. Бизнинг ҳар томонлама хизматларимиз ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, тарифлар абонентлар фойдасини кўзлаган ҳолда тартибга солиб борилмоқда.

Пейжинг, транкинг алоқаси ҳам ривожланмоқда, симсиз радио орқали боғланиш, устама алоқа воситалари жорий этилмоқда, идоравий, корпоратив алоқа тобора салмоқли ўрин эгаллаяпти. Бизнинг компаниямизга алоқаси бўлмаган кўплаб корхоналар Интернетга чиқишга муваффақ бўлмоқдалар. Бозор шароитида бу одатий ҳол. Бироқ «Ўзбектелеком» компанияси ҳам ўз қудратини мустаҳкамлаб бораяпти, рақобат курашида олдинги марраларни эгаллашга интилмоқда. Юқорида тилга олиб ўтилган барча муқобил тармоқлар бизнинг ҳисоблаги тармоқларда ишлаб турибди.

«Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар мамлакат иқтисодиёти самарадорлиги ўсишида телекоммуникациялар, компьютер ва ахборот технологияларининг фаол роли ошишини, одамларнинг фаолияти ва турмуши техник қурилмалар ва хизматларнинг энг замонавий турлари билан жиҳозланишини таъминлаш, республиканинг жаҳон жараёнларига муваффақиятли интеграциялашуви имконини беради», дейилади Президентнинг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига шарҳда.

Ишончимиз комилки, Ўзбекистон телекоммуникациялари соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар чет эллик инвесторларнинг алоқа корхоналаримизни хусусийлаштиришда иштирок этишга қизиқишини оширади, тизимни ривожлантириш мақсадида маҳалий имкониятлардан, республиканинг иқтисодий ва кадрлар потенциалидан фойдаланишимизга имкон яратади.

Ўзбекистонда тез равнақ топиб бораётган ахборот хизматлари мажмуасининг асосий диққат-эътибори ривожланиш ва модернизациялашнинг катта ва мураккаб вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга, хизматлар ҳажми ва сифатини оширишга, даромадларни барқарор равишда кўпайтиришга қаратилгандир. Юқорида қайд этилган Фармон талаблари асосида биз телекоммуникацияларнинг республика иқтисодиёти тараққиётидаги ҳиссасини ошириш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш йўлида ҳаракат қилаяпмиз.

**Анатолий КУДИНОВ**
**суҳбатлашди.**

5942/1207

